




Фарғона ҳақиқати

Меҳр ва саховат
инсонни
улуғлайди.
Халқ ҳикмати.



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

<http://farhaqiqat.uz/>

t.me/farhaqiqati

2021 йил 27 апрель, сешанба **№ 36** (24529)

ЖАРАЁН

Ҳаётий тажриба илмий ғояларга АСОСЛАНИШИ ЗАРУР

Мутахассисларнинг маълум қилишича, кейинги икки ойда вилоятимизда 14 мартаба ёмғир ёғди. Бу фермерларга бироз қийинчиликлар келтирди. Аммо табиат инжиқликларига қарамай, 82 минг 80 гектар ерга чигит экиш ишлари ўз вақтида амалга оширилди. Айни кунларда вилоятнинг барча ҳудудларида муҳим агротехник тадбирларга киришилди.



этироф этди. Чигит экилган майдонларни пудрат асосида аҳолига бўлиб бериш ва ҳақ тўлаш тартиби, пахта-тўқимачилик корхонасининг ҳудуддаги вакили, ҳудуд ва отряд раҳбарининг вазифалари, ички ишлар, тижорат банклари ва туман штаби аъзолари зиммасидаги масъулиятни юмушларга тўхталиб, "Механизаторлар уйи"ни ташкил этиш борасида ўз тавсияларини берди.

Ота-боболаримиздан қолган яхши нақл бор: пахтани техника пиширади, — деди вилоят раҳбари. — Шу боис "Механизаторлар уйи"да барча шартношаларни яратиш, уларга ҳар беш кунда иш ҳақи бериш, культиваторларни тўлиқ ишга жалб этиб, "наряд" ва "отряд" усулида ишлаш, ҳар гектарда 130 минг, қўшқатор экилган майдонларда 160 минг тупгача, Марказий Фарғона ва Қолғандарё массивларидаги шўрланган ерларда

Шу йилнинг 24 апрель кунини Қўштепа туманида ташкил этилган "Fergana Global Textile" пахта-тўқимачилик кластерида жорий йил ҳосили учун чигит экилган майдонларда дастлабки агротехник тадбирларни ўтказиш бўйича кўргазмали семинар ташкил этилди. Вилоят, туманлар секторлар раҳбарлари, вилоят, туманлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, пахта-тўқимачилик кластерлари бошлиқлари ва мутахассислари, олимлар, қишлоқ ҳўжалигига дахлдор барча идора ва ташкилотлар му-

тасаддилари иштирок этган тадбирда бугунги куннинг энг муҳим вазифалари муҳокама қилинди. — Биринчи майга қадар тўлиқ униб чиқмаган чигит кечки ҳисобланади. Бу — ҳаётий ҳақиқат, — деди вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров. — Бугунги кунгача вилоятда 70 фоиз чигит ундириб олинди. Шу кунларда чигитни тўлиқ ундириб олиш, агротехник тадбирлар жараёнида ҳаётий тажрибалар билан бирга, илмий-амалий, инновацион

ғоялардан унумли фойдаланиш пахта-тўқимачилик кластерлари, фермер ҳўжаликлари олдига турган энг муҳим вазифа. Вилоят раҳбари пахта-тўқимачилик кластери даласида униб чиққан чигитга агротехник ишлов бериш жараёни, замонавий техникалар, биологаториялар фаолияти билан яқиндан танишиб, ерга ишлов бериш, минерал ва маҳаллий ўғит жамғариш бўйича амалиётга жорий этилган янгиликларни юксак



Бугуннинг

МАВЗУСИ

Айни кунларда юртимизда кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилади, шаҳар ва туманлар марказлари, олис қишлоқлар қиёфаси замонавий мезонлар асосида яхшиланиб бормоқда.

ҚУРИЛИШДА ШАФФОФЛИК ВА АДОЛАТ ТАЪМИНЛАНАДИ... МИ?!

Ўтган ҳафта Бағдод туманининг "Мурувват" МФИда вилоят прокуратураси, қурилиш бош бошқармаси, қурилиш соҳасида вилоят ҳудудий назорат инспекцияси ҳамкорлигида "Қурилишда муаллифлик ва техник назоратни ташкиллаштириш масалалари" мавзусида ўтказилган кўргазмали семинарда бу ютуқлар алоҳида эътироф этилди. Ўз навбатида қурилиш жараёнида йўл қўйилаётган камчиликлар, қонун устуворлиги ва белгиланган

меъёрларга амал қилмаслик ҳолатлари таҳлилий-танқидий руҳда ўрганилди. Қурувчи-тадбиркорларга "Фарғона тажрибаси" сифатида назар муҳолафада олиб борилаётган улкан бунёдкорликлар мисолида янги аънана, тартиб-тамоийлар батафсил тушунтирилди. Шу ерда қурилаётган кўп қаватли уйларида маҳорат дарслари ўтказилди. Таъкидлаб ўтилганидек, яқинда вилоят прокуратураси томонидан Бош прокуратура Дастури асосида "Қурилишда муаллифлик ва техник назорат тўғрисида"ги



чиларни 14 кунлик ўқув курсларида ўқитилиши кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда Фарғона политехника институти билан ҳамкорликда "Қурилишда муаллифлик ва техник назорат" ўқув курси дастури ишлаб чиқилди. Ўқув курслари машғулотларига вилоятдаги буюртмачи инжиниринг компанияларида ишловчи техник назоратчилар, лойиҳа ташкилотлари ходимлари (муаллифлик назоратига бириктирилган) ҳамда ҳусусий объектларда техник назорат вазифасини

Низом — Шаҳарсозлик норма қоидалари талабларига риоя этилиши муаллифлик ва техник назоратни тўғри ташкил этиш бўйича ўрганилди. Бу борада амалдаги Шаҳарсозлик норма қоидалари талабага кўра, объектлар қурилиши устидан техник назорат ходимлари малака ошириш курсларида махсус тайёргарликдан ўтказилиши, билимлари текширилиши ва тегишли гувоҳнома берилиши керак. Аммо вилоятда техник назоратчилар ўтган йиллар давомида ўқитилмаган ёки малака ошириш курсларида жалб

этилмаган. Ҳусусий сектор объектларида тегишли шартномалар тузиш амалиёти шаклланимаган. Ваҳоланки, Шаҳарсозлик норма қоидалари 2010 йилдан бунён амалиётга тўлиқ жорий этилган. Айтиб ўтиш ўринлики, қурилиш объектларида фаолият олиб боровчи муаллифлик назорати ва техник назорат ходимларининг мақоми ҳамда назорат фаолияти сифатини ошириш мақсадида махсус иш формаси яратилди. Махсус кийим вилоят бўйича барча қурилиш объектларига татбиқ этиляпти.



Прокуратура тақлифи билан вилоятда қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси инспекторлари ҳизмат формаси жорий этилди. Қурилаётган барча объектлардаги техник назорат

амалга оширувчи мутахассисларни жалб этиш режалаштирилмоқда. **Ўз муҳбиримиз, Суратларни Шерзод ҚУРАБОВ** олган.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

ҲИНДИСТОНДА КОРОНАВИРУС БИЛАН КАСАЛЛАНИШ ҲОЛАТЛАРИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Коронавируснинг "британча", "жанубий африканча" ва "бразилияча" штаммлари ҳамда уларнинг мутацияланган варианты Ҳиндистонда касалланиш ҳолатларининг кўпайиб кетишига сабабчи бўлмоқда. Касалланишни назорат қилиш бўйича миллий марказ директори Суджит Сингхнинг айтишича, Панжобда "британча" штаммининг иккиламча мутацияси, Деҳлида эса "британча" штамм кўп тарқалмоқда. Ҳиндистон коронавирус аниқланган беморлар сони бўйича дунёда иккинчи ўринда бормоқда. Мамакатда соғлиқни сақлаш вазирлигининг сўнгги маълумотида кўра, мамлакатда COVID-19 га чалинганлар сони 16,9 миллион кишидан ошган, 192 минг киши коронавирус қурбони бўлди.

АРМАНИСТОН БОШ ВАЗИРИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Арманистон бош вазири Никол Пашинян Facebook орқали халққа мурожаат қилиб, истеъфо берганини эълон қилди. «Конституциявий низомларни амалга ошириш ва парламентни тарқатиб юбориш учун мен бугун истеъфо бераман», деган у. Пашиняннинг аниқлиги киритишича, 20 июнда бўлиб ўтадиган парламентта навбатдан ташқари сайловларга у ҳукумат раҳбари вазифасини вақтинчалик бажарувчи бўлиб туради. Пашинян Арманистон халқига мурожаат қилар экан, сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланган тақдирда мамлакатга аввалгидан ҳам яхшироқ ҳизмат қилишга, агар фуқаролар унинг жамоасини қўллаб-қувватламаса, у ҳолда ҳокимиятни топширишга сўз берди.

РОНАЛДУ КАМ ОЙЛИК ЭВАЗИГА ҲАМ "МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД"ГА ҚАЙТИШГА РОЗИ

"Ювентус" клубининг португалиялик ҳужумчиси Криштиану Роналду "Манчестер Юнайтед"га ўтиш учун омадини камайитиришга рози. Бу ҳақда "Football Italia" наشري ёзмоқда. Футболчининг "Ювентус" билан амалдаги шартномаси 2022 йилнинг ёзида нўхосига етади. Аммо Роналду шу йилнинг ёзида кетиш ҳақида уйламоқда. Айни пайтда у "Ювентус"да йилгига 31 миллион евро ишлаб топмоқда. Нашрнинг ёзишича, футболчи камида 20 миллион евро тўланадиган бўлса ҳам "Манчестер Юнайтед"га ўтишга рози. Инглиз клуби аллақачон футболчининг агенти Жорже Мендес билан боғланиб, трансфер шартларини муҳокама қилган. Роналду 2003 йилдан 2009 йилгача "Манчестер Юнайтед" шарафини ҳимоя қилган. Клуб тарихида у уч марта Англия чемпионлигини, мамлакат Кубогини ва Суперкубогини қўлга киритган. Икки бор Лига кубогига зафар қўчган. Шунингдек, Чемпионлар лигаси ва клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатида голиб бўлган.



Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Депутат МИНБАРИ

Рамазон ЭҲСОНИ

Отам 40 йил тиббиёт соҳасида ишладилар, охириги 7 йил эса Марғилон шаҳар марказий шифохонасини бошқардилар. Отамдан аввал бобомлар ҳам қўли енгил жарроҳ сифатида одамлар меҳрини қозониб, айнан отам ишлаган шаҳар маказий шифохонасида бир муддат раҳбарлик қилганлар. Узларининг узоқ йиллик меҳнатлари давомида отам ҳам, бобом ҳам шаҳримиз, вилоятимиз аҳолисига ҳалол-поқ хизмат қилиб, қўллаб беморлар дардига шифо топишда ўз ҳиссаларини қўшганлар, қўпчиликнинг дуосини олганлар. Эл-юрт ҳурматини ўзининг фидокорона меҳнати билан қозонган шундай шифокорлар авлоди эканлигимдан фахрланаман.

Бундан 2-3 ҳафта аввал Марғилон шаҳар тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси ёмон аҳволдалиги, мавжуд тиббий ускуналарнинг катта қисми маънан эскирган ёки таъмирталаблиги сабаб шаҳар аҳолисига ва кўшни туманлардан келувчи беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкони йўқлиги ҳақида ёзгандим. Бир томондан Марғилон ўзим сайланган ҳудуд бўлса, иккинчи томондан бобом ва отамнинг узоқ йиллар меҳнати синган тиббиёт масканларидаги бу аҳвол мени жуда ранжитганди. Ўша кундан бери қандай бўлмасин, имкон қадар шаҳримиз шифохоналарига ёрдам бериш, уларни замонавий ускуналар билан таъмирлаш чораларини кўриш йўлида юрган эдим.

Аллоҳга шукр, бугун оилам ва яқинларим ёрдами билан шаҳар марказий шифохонасига бир донга янги УЗИ аппарати, 4 донга ЭКГ аппарати ва 2 донга кардиоаналитиз жихозларини топширдик. Шунингдек, мавжуд таъмирталаб УЗИ аппаратини таъмирлаш харажатлари қоплаб берилмаган бўлди. Энди шаҳар марказий шифохонаси, шаҳар туғруқ комплекси ва болалар шифохонасида УЗИ ва ЭКГ аппаратлари ёрдамида беморларга тўғри ташхис қўйиш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мумкин бўлади. Бундан ташқари, вилоят ҳокими Х. Бозоровга тиббий жихозлар олишда ёрдам сўраб қилган мурожаатимиз жавобсиз қолдирилмади. Вилоят ҳокимлиги топшириғига асосан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан янги кўчма (портатив) рентген аппарати ва 1 донга сунъий нафас олиш ускунаси (ИВЛ) тақдим этилди. Бу ускуналар ёрдамида оғир аҳволдаги беморларга шифо топиш, уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имкони яратилди. Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан шаҳар марказий шифохонасидаги яқин кунларда 11 та гемодиализ ускунаси ажратилди, янги гемодиализ ва нефрология бўлими очилган бўлди. Бу ускуналар ёрдамида буйрак етишмовчилиги касаллиги билан дард чекаётган беморлар дардига малҳам бўлинади. Буларнинг ўзи етарли эмас. Ҳали шаҳар болалар шифохонаси ва туғруқ комплексида бошқа турдаги тиббий жихозлар, чақалоқлар учун инкубаторлар, СИПАГ, нархоз аппаратлари ва қўшимча ИВЛга эҳтиёж бор. Марғилон тиббиёт муассасаларини босқичма-босқич барча зарур жихозлар билан таъмирлаш чораларини кўрамиз. Фурсатдан фойдаланиб, барча саховатпеша ҳамюртларимиз ва тадбиркорларимизни бу улуғ кунларда ўз закот ва эҳсонларини турли хил тадбирлар ёки меҳмоннавозликлар ўрнига имкон қадар ўз ҳудудларидаги таълим ва тиббиёт масканларини таъмирлаш ва туриш, уларнинг моддий-техник базаларини мустаҳкамлаш йўлида сарфлашга чақираман. Зеро, буларнинг барчаси ҳадисларда пайғамбаримиз Мухаммад САВ томонидан айтилган "жорий садақа" амаллари бўлиб, қўпчилик фойдаланишига ёрдам доимий саваб олиб келиб турувчи вақфлар ҳисобланади. Улардан ҳосил бўладиган саваблар асир эса беҳисобдур.

Дониёр ҒАНИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Газетага арзим бор Қанийди сектор раҳбари маҳалламизни кезса...

Қувасой шаҳрининг Қўчқорчи қишлоғи ҳудудидаги Дурдона маҳалласида на ичимлик суви, на электр тармоғида тўқислик бор. Йўллар тошлоқ, асфальтланмаган. Экинларни сўғорай десак, ариқда оқома сув тақчил. Утган йили кудуқ қазадрдик, томорқанинг ярмига резавор экинлар, мевали қўчатлар экдик. Бирок қудуқ суви қуриб қолганлиги сабабли экинларни сўғоришининг имкони бўлмади. Ҳозир қишлоқ, маҳалла ободлиги, кишиларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаш, оилаларнинг ўз томорқасидан унумли фойдаланишлари учун мамлакатимиз миқёсида ибратли ишлар қилинмаяпти, эшитиб хурсанд бўласиз. Бизни бир неча саволлар қийнайди: нега биз томонларга эътибор қаратилмаяпти, "маҳаллабай", "хонадонбай" тизими Қўчқорчи қишлоғининг Дурдона маҳалласи учун тааллуқли эмасми? Қанийди, Қувасой шаҳар 3-сектор раҳбари маҳалламизни кезса...

Тоҳир ЙЎЛДОШЕВ.

Сарҳисоб

ЁШЛАР ЎЗ ҲАЁТИДАН, ДАВЛАТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИ КЕРАК

Бу – Президент олдимизга қўйган энг муҳим вазифа



— Жорий йил 13 апрель кунги видео-селектор йиғилишида ҳам давлатимиз раҳбари урғу берганидек, бу фақат Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи зиммасидаги вазифа эмас...

Ўзбекистон ёшлари бугун ва эртага қандай бўлиши керак? Уларнинг истаклари имкониятларига мос келадими? Давлат сиёсатида ёшлар иродаси қандай акс этаяпти? Бу саволларни давлатимиз раҳбари долзарб масала сифатида ўртага ташлаётгани бежиз эмас...

Вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Файзулла ҚОСИМОВ билан бу борада олиб борилган ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

Фарғона туманидаги “Миндон” МФЙ худудида 5 гектар ер майдони ажратилиши натижасида 35 нафар маҳалла ёшлари ўзи ишига эга бўлди. Вилоятда 152 та “Ёшлар кооперациялари” орқали ажратилган ер майдонларида йилга 3 марта серхосил ва экспорт-боқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДАН — ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИГАЧА

Болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамровини тубдан ошириш мақсадида 5400 ўринга мўлжалланган 60 та энгил конструкцияли мактабгача таълим муассасалари ташкил этиляпти. Шунингдек, бўш ва фойдаланилмаётган 40 та объектда ҳам 5,3 минг қуватга эга МТМ фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

оширилган фестиваль, очик мулоқот, семинар тренинг, тарбият тadbирлари моҳиятан Янги Ўзбекистоннинг янги авлодини тарбиялашдек улғувор мақсадни кўзда тутган.

Вилоятда фаолият олиб бораётган 8 та маҳаллий, 3 та халқаро олийгоҳда 54 минг нафардан зиёд йигит-қизлар тахсил олишади. Шу йилнинг ўзига Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали негизда Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институту, шунингдек, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Фарғона филиали ташкил этилган ҳам қувонarli воқеа бўлди.

БАНДЛИК — УСТУВОР МЕЗОН

Вилоятда ўтказилган хатлов натижаларига кўра, муқим иш билан банд бўлмаган 81037 нафар йигит-қиз “Ёшлар дафтари”га қайд этилган.

ҚЎЛИ ГУЛ БУВАЙДАЛИКЛАР

Бувайдаликлар азалдан миришкор, тadbиркор, хунарманд халқ. Улар эккан анжиро кулупнайнинг шираси тилингизни ёрса, қалампири кўзингиздан ёш чиқариб юборади.



АЙЛАДИ БЕМОР ЧОЙХОНА

Фарғоналик нурунийларнинг кунлар исиб, беданалар сайраб турганида, чойхонадан қадами узилмайдми. Чойни шопириб, ул-булдан тамадди қилиб ўтиришлари асли бир баҳона.

Нафис, бежирим нақшли, пухта-пишиқ ясалган сўриларни қайси қўли гул одамлар ясаган экан, дея Бувайдаданнинг сўричилик билан машхур Уртақўнғирот маҳалласи томон йўл олди.



ТЕМИРДАН ГҮЛ БИТГАНЛАР

Биргина темирдан неча хил маҳсулот ясаш мумкин, деб ўйлайсиз? Деҳқонободликлар темирни 150 хил шаклга сола билишади.

Бу касб билан 1991 йилдан буён шуғулланман, — дейди унинг ўзи. — У пайтларда маҳалламизда темир маҳсулотлари сотиладиган дўкон бўлмаган.

БУВАЙДАНИНГ ҚАЛАМПИРИ ҚАЙДА?

Бувайдаликлар лабингизни ловулатиб юборувчи қалампирни нафақат хуш кўриб истеъмол қилишда, балки етиштириб беришда ҳам етакчи.

Шоҳидахон Абдуразақова 25 йил муаллимлик қилган, турмуш ўртоғи Зоҳиджон ака Абдуразақовнинг эса вилоятдаги ҳашаматли бинолар қад ростлашида хиссаси бор.

ярапти келмоқдамиз. Деҳқонобод маҳалласининг бошидан охирига қадар кетакеттуки темирларнинг тараққатуруки. Хамма иш билан банд, бўш турган одамни учратмай-сиз.

Маҳаллада нафақат қўли гул, балки қўли очик, саховатпеша инсонлар талайгина экан. Яқинда хотамтой тadbиркор Абдусалим Абдулжаков қарилар учун 1 млрд. 250 млн. сўмлик фитнес зали куриб берибди.



— дейди маҳалла раиси Икромжон Шихназаров. — 987 та хўжалик бор, шундан 90 фоизи деҳқончилик билан шуғулланади.

9 май — Хотира ва кадрлаш куни ШУКРОНАЛИК ҲИҚМАТИ



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20 апрелда қабул қилинган “Хотира ва кадрлаш кунига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш чора-tadbирлари тўғрисида” ги қарори бекиёс ибратга, ёшларимиз учун улкан тарбиявий аҳамиятга эга.

Айни кунларда вилоятимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан хабар олинди, уларнинг мардлиги ва жасорати эътироф этилмоқда. Шарқий ҳарбий округ қўшинлари Фарғона гарнизони ҳарбий хизматчилари, ҳарбий оркестр ва ёшлар мусиқа саздалари остида Тошлоқ туманида истиқомат қилаётган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси 99 ёшни қариши олган Одилжон Зокиров хонадонига таширф буюрди.



Дала-даштда ёшлар нафаси

ОЛТИАРИҚ ТУМАНИ Бўрболик қишлоғи этакларида чорак асрдирки, сувсизлик туйфайли куриб-қақшаб ётган дала-даштлар ўзлаштирилди. Бу ерда қишлоқ ёшларининг саяё-ҳаракати билан янги иссиқхона, боғу роғлар яратилмоқда.



Мавсум Умаровнинг ташаббуси билан 2019 йилда "Мавсум агро логистика" ёшлар кооперацияси ташкил этилиб, 100 нафар ёшлар учун иш ўринлари яратилди. Шижоатли ёшлар иссиқхоналарда помидор, бодиринг қўчатларини паваришляпти, экинлар ривожини авдижа.

Кўчма иссиқхоналар ҳажмини уч хиссага кенгайтирди. Эртанги бодиринг ҳосилга кирди. Санокли кунлардан сўнг помидорни бозорга чиқарамиз. Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, даромад чўғи 100 миллион сўмдан кам бўлмайди.

Дарҳақиқат, сувсиз, тош-шағалдан иборат экин майдонларга туман ҳокимлиги, 3-сектор ташаббуси билан электр тармоғи тортиб берилди, 7 та тик қудуқ қазилди.

АҚШ доллари миқдорига маҳсулот экспорт қилдик. Экин майдонларини томчилатиб сўғориш йўлга қўйилди. Айтиш мумкин 70 гектар майдонда ёшлар ташаббуси билан ўзлаштирилган ерларда эртанги сабзавот экинлари етиштириляпти.

Бараканинг сирин — МЕХНАТДА

Тошда унган лимонлар



Қалъача — Тошлоқ туманининг олис қишлоқларидан бири. Экин майдонлари тошлоқ, деҳқончилик қилиши анчагина машаққатли. Ҳамма ҳам бу ерларда деҳқончилик қилишга ҳавасманд эмас.

Шу қишлоқда туғилиб ўсган, суяғи меҳнатда қотган Отабек Исомиддинов миқдор деҳқонлар сирасига қиради. — Дастлаб иссиқхона куриб, лимон экинни бошлаганимда "тошлоқ ерда ҳам лимон бўлар экани, пулингга, меҳнатингга қуясан" деганлар ҳам бўлди. Тошлоқ ерни махсус техникалар ёрдамида қавлатиб, ариқлардан чиққан тупроқни олиб келиб ташладим ва 6 сотихли иссиқхонадан 9 та курдим. Ҳозирда ушбу иссиқхоналарда 420 туп лимон кўчати бор.

Расулжон КАМОЛОВ. Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

Шаҳарлар, шаҳарлар атрофида, шаҳарларо вилоят ички йўловчиларни ташвиш йўналишларини жойлаштириш учун очик тендерлар ташкил этиш бўйича вилоят комиссияси қўйидаги вилоят ички шаҳарларо, шаҳар атрофи ва шаҳар ички йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун ОЧИҚ ТЕНДЕР ТАНЛОВИ ўтказида

Очиқ тендер танлови 2021 йил 27 май куни соат 10:00 да ўтказилади Тендер танловига қўйиладиган йўналишлар

№	Йўналиш рақами ва номи
Шаҳар атрофи автобус йўналишлари:	
1	ШАЙ-167 "Абдусамат-Данғара"
2	ШАЙ-174 "Доимобод-Данғара АС"
3	ШАЙ-155 "Хўжақишлоқ-Қўқон янги бозор"
Шаҳар атрофи йўналишли такси йўналишлари:	
1	ШИТ-209 "Данғара-Тарғова"
2	ШИТ-212 "Данғара-Мулқобод, Хўжақишлоқ"
3	ШИТ-213 "Данғара-АС-Абдусамат"
4	ШИТ-296 "Данғара-Амиробод"
5	ШИТ-299 "Данғара-Чинобод"
6	ШИТ-300 "Данғара-Шилдир"
7	ШИТ-301 "Данғара-Доимобод"
8	ШИТ-302 "Данғара-Қияли кўрғонча"
9	ШИТ-303 "Данғара-Қум-қияли-Тумор"
10	ШИТ-328 "Данғара-Янги обод (Урмон хўжалиги)"
11	ШИТ-334 "Найманча-Тарғова"
12	ШИТ-192 "Данғара-Найманча (Янги замон орқали)"
13	ШИТ-373 "Данғара-Найманча" (Минглар орқали)"
14	ШИТ-193 "Данғара-Бойбута" (Чомоч орқали)"
15	ШИТ-194 "Данғара-Қўқон" (янги бозор)"

Очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига рўйхатдан ўтказилган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган, автомобиль транспортда тегишли равишда шаҳарда, шаҳар атрофида шаҳарларо вилоят ички йўналишларида йўловчиларни ташвиш амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер тақлифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Тендер қатнашчиси айна битта автотранспорт воситаларини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига рўйхатдан ўтказилган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган, автомобиль транспортда тегишли равишда шаҳарда, шаҳар атрофида шаҳарларо вилоят ички йўналишларида йўловчиларни ташвиш амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер тақлифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Тендер қатнашчиси айна битта автотранспорт воситаларини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Гўшт ва сут маҳсулотларига ТАЛАБ ЮҚОРИ

Фаргона туманида чорвачилик йўналишига ихтисослашган 28 та фермер хўжалиги томонидан аҳолига гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Волида" фермер хўжалиги томонидан тумандаги тиббиёт ва таълим муассасаларига ойига 60 тонна сифатли гўшт етказиб берилиши тавминланяпти. Хўжалик тасарруфидан кунига 250 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга цех ишга туширилган бўлиб, 10 турдан ортик сут маҳсулотлари республика миқёсида тарқатилади.

дан келтирилган 650 бош насли парваришланмоқда, — дейди қўрмоқли фермер хўжалиги раҳбари Ғайратжон Сатторов. — 5 тонна сиймига эга музлатгичли омборхона, лаборатория хоналарида маҳсулотлар сифати доимий назоратга олинган. Бу ерда 160 та иш ўрни яратилган бўлиб, маҳаллий мутахассислар ҳеч бир қийинчиликсиз Европа технологияси асосида сутни қайта ишлаш жараёнида самарали фаолият кўрсатмоқда.



Матн ва сурат муаллифи Шерзод ҚОРАБОЕВ.

Хабарингиз борми? "БОЛА ПУЛИ"НИ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМ ТАЙИНЛАЙДИ

Халқимиз тилида "бола пули" дея айтыладиган 14 ёшга ва икки ёшга тулғунига қадр уни парвабунёдкорлик ишлари яратувчиларга кирган. Басма-басига меҳнат қилаётган ёшларда кўтаринкилик, эртанги кунга бўлган ишонч мустаҳкам. Қишлоқ ёшлари дала-даштда янги ҳаёт нафасини олиб киришмоқда.

рот тизими ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан берилган грантлар ҳамда Жаҳон банкнинг кредит маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқилган бўлиб, фуқароларга нафақа ва моддий ёрдам тайинлашда шу тизим орқали амалга оширилади. Мисол учун, ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тавсия этилган номзодлар ҳақидаги барча маълумотлар жамланиб, ана шу тизимга киритилади, маълум вақтдан сўнг эса жавоб тайёр: кам таъминланган деб эътироф қилинган, нафақа кимга тайинлаши мумкин-у, кимга мумкин эмас ва ҳоказо.

Бу борадаги сўнги ўзгаришларга эътибор қаратилса, барчасида бир нарсани аниқлаш мумкин — бюрократияга чек қўйиш, ҳужжатларнинг электрон ҳаракатланганини тавминлаш орқали ортиқча оворгарчиликларни ва нафақа тайинлаш тизимида инсон омилини йўқотиш, — дейди бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси "Ижтимоий ҳимоя янгона реестри" ахборот хизмати мавофиқлаштириш шўъбаси бошлиғи Дониёрхўжа Маданинов. — Сиз айтган "бола пули"ни тайинлаш эндиликда янги қарор асосида амалга оширилмоқда. Низомга кўра, кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя янгона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тулғунига қадр уни парвариш қилиш нафақаси, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ҳамда компенсация тайинлаш ва тўлаш тартиби белгиланди.

«Янгона реестр» ахборот тизими ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан берилган грантлар ҳамда Жаҳон банкнинг кредит маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқилган бўлиб, фуқароларга нафақа ва моддий ёрдам тайинлашда шу тизим орқали амалга оширилади. Мисол учун, ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тавсия этилган номзодлар ҳақидаги барча маълумотлар жамланиб, ана шу тизимга киритилади, маълум вақтдан сўнг эса жавоб тайёр: кам таъминланган деб эътироф қилинган, нафақа кимга тайинлаши мумкин-у, кимга мумкин эмас ва ҳоказо.

Олтиариқ тумани 19-ўрта таълим мактабини 2020 йилда тамомлаган Қўрбонов Маданиятжон Муроджон ўғли номига берилган UM 0677833 рақами аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Сўх тумани, "Қарқир" МФЙ, Хўшёр қишлоғида жойлашган 14-ўрта таълим мактаб номига берилган тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қува тумани 16-ўрта таълим мактабини 1997-1998 ўқув йилида тамомлаган Қўрбонов Маданиятжон Абдувоҳидов номига берилган O'R-A 306399 рақами аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ОЛТИАРИҚ ТУМАНИДАГИ "11-АВТОКОРХОНА" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИШДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Олтиариқ тумани "11-автокорхона" масъулияти чекланган жамияти улшдорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2021 йил 27 май, пайшанба куни соат 9:00 да жамият маъмурий биносида ўтказилади. Кун тартибидagi масалалар:
1. Жамият бошқарув раисининг 2020 йилги фаолияти юзасидан молиявий ҳисоботи тўғрисида.
2. Аудиторлик текшируви натижалари ва хулосалари ҳақида.
3. Жамият улшдорларининг аризаларига асосан улшдорлик сафидан чиқариш тўғрисида.
4. Ташкилий масала.

ЖАМИЯТ МАЪМУРИЯТИ.

Вилоят Тендер комиссияси ҳайъати.



Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудига 67 йил тўлди ...ИЗЛАР ЭДИ ХАЛҚ ШОИРИНИ

26 апрель тонги отди... Олис тоғлар томондан енгил, аммо баданни жунжиктирувчи шамол эса бошлади. Фасли баҳор нимадандир кўнгли тўлмаётгандай, борлиққа ўз ҳукмини ўтказишга шошилмаётгандай...

Ковунчи, қайдасан? дея йўлга тушдик. Ичимизда ёши улуғи – Муҳаммад Юсуфнинг яқин дўсти бўлган Малик ака Бойматов йўл бошлаб кетмоқда. Қувадан чиқиб, Марҳамат тумани худудига ўтишимиз билан сўлим табият – шарқираб оқаятган сой, яшилликка бурканган боғ-роғлару паст-баланд қирлар бошланди.

Мехмонларга аталгани бу гуллар ёки сеvimли шоири – қишлоқдошлари қабри зиёрати учунми?... Муҳаммад Юсуф таваллуд топган, вояга етган ҳовлига қадам қўямиз. Шоирнинг ўзидай хокисор, аммо нимаси биландир дилга яқин, оддий қишлоқ ҳовлиси қариндош-уруғлари, мухлислари, шеърят шайдолари билан тўлиб-тошган. Шоирнинг укаси Мурод ака кўрпачалар тўшалган сўрида ўтирганча келувчиларга соғинчли нигоҳларини тикиди. Биз ҳам у билан кўришиб, сўхбатлаша бошаймиз.

лайди... Муҳаммад Юсуфни ўз акасидай, инисидай кўриб, кўнглига яқин олиб келган бу уйга. Хайратга тушаман. Ҳеч бир шоир ёки ёзувчининг вафотидан сўнг таваллуд куну бу даражада чорламаган бўлса керак одамларни! Халқ суйган, ҳақиқатан ҳам, "халқ шоири" бўлган ижодкорга ана шундай юксак унвон берилишида нақадар кенг маъно, асос бор! Идихомдан четлашиб, майсалар билан қопланган томоркани томоша қиламан. Ажабо! Бир четда, деворга яқин жойда бир туп лолақизғалдоқ уч дона гунчаси ила бошини эгганча титраб турарди! Шоирнинг машҳур шеърларида тилга олинган, қайнаб-тошган ижодига бир тикиб бўлган лолақизғалдоқ! Бейхитёр тилимда, йўқ, дилимда – онгу шуурида серҳис мисралар айланади:

Ўқсиб-ўқсиб турганимда ўзим бориб, Пешонангдан ўпай десам, пешонанг йўқ... Қўчага чиқамиз. Шоирнинг уйи олдида оқиб ўтувчи жўшқин ва тиниқ сувни томоша қиларканмиз, шоирнинг яқин дўстларидан бири сўз котади: – Ана шу ариққа оёқларини осилтириб ўтиришни хуш кўрарди... Хаёлга толаман. "Киши қалбини ларзага солувчи, керак бўлса, ўйга толдирувчи саноксиз шеърларга доялик қилган арик... Умри оқар сувга қислайдилар. Умр ўтатверади, сувлар оқаверади... Халқимизнинг сеvimли фарзанди ёди миллионлаб қалбларда яшайверади..." Қишлоқ қабристон томон йўл олдик. Халқ шоирининг ҳам, унинг отаси-онаси қабри ҳам шу ерда – бир томонда онаники, иккинчи томонда отаники... Гўёки "ўртага олиб", ҳануз суюкли ўғилни эркалаб ётгандай... – Фарғонадан келдиларинми?! – қабристондан чиқарканмиз, бизга савол ташлайди йигидан кўзлари қизарган, бир даста гулни кучоқлаган икки аёл. – Биз Муҳаммадхоннинг синфдошларимиз... У хануз қалбимизда яшайди... Кечагидек ёдимизда унинг тўққинлаб шеър ўқишлари, рубоб чалишлари...

Аёллар бошқа гапира олмадилар: кўларидеги нам рўмолча неча бор шоирни кўриб-қувонган кўзларни ўз бағрига босди... Шоир ўқиган мактабга қирамиз. У тақдир олган синф хонасида мўъжаз музей ташкил этилибди. "Юсуфов Муҳаммаджон" номи ёзилган журнал, у чалган рубоб, кийган кийимлари, чизган расмлари... Бармоқларимиз бу буюмларни сийпалашга шошилади, бир оз титроқ ила журъат топишга интилади... Мактаб ўқувчилари, муаллимлар нигоҳида алдангани, армонданми – алланечук мунгни илғайди кўзларимиз... Кун ёнбошлашга ҳаракат бошлаган паллада қайтши таратқувчи газ ҳисоблагичларнинг барча тоифалари учун истеъмол қилинган табиий газ учун кўрсаткичларини текшириш баҳонасида, уй эгаларидан табиий газ учун пул маблағларини ўзлаштириб олаётган фирибгарлар аниқлиниб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан қўлга олинаётганлиги ҳақида маълумотлар келмоқда.



ФИРИБГАР ГАЗ "ИНСПЕКТОР"ЛАРИДАН ОГОҲ БЎЛИНГ!

Айрим ҳудудларда ўзини газ таъминоти ташкилоти инспектори дея таништириб, хонадонлардаги ҳисоблагичларнинг истеъмол қилинган кўрсаткичларини текшириш баҳонасида, уй эгаларидан табиий газ учун пул маблағларини ўзлаштириб олаётган фирибгарлар аниқлиниб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан қўлга олинаётганлиги ҳақида маълумотлар келмоқда.

Нудудгазта'минот" АЖ шуни маълум қиладики, илгари истеъмолчиларнинг газ ҳисоблагичларидаги кўрсаткичларни йиғиш ҳамда тизимга киритиш билан шуғулланган инспекторлар лавозими берок қилинган. "Hududgazta'minot" АЖ томонидан табиий газни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган бошқарув тизими (ГНХАТ/АСКУТ) лойиҳасини амалга ошириш бошланди ҳамда унинг доирасида истеъмолчиларнинг барча тоифалари учун истеъмол қилинган табиий газ учун кўрсаткичларини реал вақт режимида "BillingGaz" тизимига узатувчи электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Шунингдек, газ етказиб берувчи ва абонент ўртасида ўзаро ишончга асосланган муносабатларни ўрнатиш, янги тизимга уланмаган ҳамда аввал ўрнатилган газ ҳисоблагичларидан табиий газ истеъмолчи тўғрисидаги маълумотларни "BillingGaz" тизимига киритишда инсон омилини қисқартириш мақсадида "Hududgazta'minot" АЖ махсус "Telegram" боти ишга туширди. "Telegram" бот ГНХАТ (АСКУТ) тизимига уланмаган газ ҳисоблагич кўрсаткичларини муқтақил тарзда газ идорасига юбориш учун ишлаб чиқилди. Бундан бунён ушбу бот орқали табиий газ истеъмолчилари нафақат ҳисоблагич кўрсаткичларини муқтақил тарзда ўзлари киритишлари, балки газ истеъмолчи ҳажми бўйича барча зарур маълумотларни олишлари, рўйхатдан ўтишлари ва шахсий ҳисоб рақамларини доимий текширишлари ҳамда газ таъминоти учун тўловларни амалга оширишлари мумкин. Бунинг учун "Telegram" мессенжерига кириб, "қидирув" қисмига @hgt_abonent_bot дея ёзиш kifоя. Агар хонадонингизга маъмур ҳудудда фаолият юритган собиқ инспектор газ тўловлари билан боғлиқ ҳолатлар бўйича келса, "Hududgazta'minot" АЖ сиздан эҳтиёт билан маҳалла профилактика инспекторига ёки "1104" қисқа рақамига мурожаат қилишингизни сўрайди.

"Hududgazta'minot" АЖ матбуот хизмати.

Турмуш чорраҳасида



Яхши ният

Тандирнинг олови тобида бўлибди. Сомса ва нонлар чиройли қизарётганидан Ироданинг кўнгли ёришиди. Рўздорларга дармон бўлади, деб ўйлаб тургани, дарвоза тамдон болалар овози эшитилди. – Рамазон айтиб келдик эшигингизга, Худойим ўғил берсин бешигингизга. Ироданинг юраги ҳалқибди кетди. Нон ва сомсаларни узиб саватга солгунча болакайлар Рамазон кўшигини такрор-такрор айтишди. Нон синдириб, болажонларга улашди. Чўнтағидеги пулни ҳам тарқатиб берди. Кичик боланинг бошини силаб ҳам қўйди. Ичкаридан қайнониси ширинлик олиб чиқди. Болакайлар хурсанд бўлиб, кейинги хонадон томон йўналишди. Уларнинг ортидан тикилиб қолди. Кўнгли эзилди. "Аллоҳим, ўзинг меҳрибонсан. Менга ҳам фарзанд ато эт". Ҳаёлини қайнонанинг овози бўлди: "Келаясизми, вақт бўлиб қолади...". Рамазон кунларида бу саҳий хонадонни Рамазон айт-тўчи болалар кўп йўқлашди. Эрта саҳарда Ирода хушини йўқотаёди. Ўзидаги ўзгаришларни ҳолсизлик, деб баҳолаганда, ич-ичидан умид учкунларди. Қоним қамайибди деб баҳона қилиб, докторга учради. Шифокор жавобидан сўнг қандай уйига келиб қолганини билмайди. Наҳотки, энди мен она бўламанми, ўзингга шўкр, такрорларди у. – Уйда нон қолмабди, хамир қориб қўясими, қизим, – деб қолди қайнониси. Чакқонлик билан ошхона томон юзланган Ирода бугун қулча нон ҳам ёпишга қарор қилди.

Ноҳира ОЛИМЖОН қизи.



Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотларида

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи "ВATANPARVAR" ташкилоти

Юрт хизматига камарбаста ёшлар

томонидан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида кенг қамровли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Айни жараёнда юртимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи мақсадида йигитларни касбга ўқитиш, спортга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида белгиланган.



"VATANPARVAR" ташкилоти Қува туман ўқув спорт техника клубида

2021 йил – "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саноатлигини мустаҳкамлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шу асосда таълим муассасалари, маҳаллаларда "Ўзбекистон – менинг Ватаним", "Янгиланган Ўзбекистон", "Мен ҳам ҳарбий бўламан", "Армияда хизмат қилиш – шарафли бурч", "Спорт – менинг ҳаётимда", "Ватан фидойи фарзандларини унутмайди" сингари кўплаб мавзуларда тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Туманинг чекка худудларида умумтаълим мактаблари ўқувчилари, маҳалладаги уюшмаган ёшлар

учун "Ҳаво миллигидан ўқ отиш", "Ёзги биатлон" тўрагаги ташкил этилди. Ўқув спорт техника клуби

би тасарруфида фаолият кўрсатадиган "Автоспорт", "Дуатлон-триатлон", "Биатлон", "Ҳаво миллигидан ўқ

отиш" каби спортнинг техник ва амалий турларига 150 нафардан зиёд келаётишимиз ворислари жалб этилган.

Ботир МАДИЁРОВ. Суратлари Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.

Publication information including publisher (MCHJ), editor (Muxammadjon Obidov), address (Fergana region), and contact details.